
Қува туманида “Яшил макон” лойиҳаси доирасида кўчат экилди.

Кўчат экиб, боғ яратиш — халқимизнинг азалий қадриятларидан бири. Зеро, ўзимиз яшаб турган жойни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш туфайли кўнглимиз шодликка тўлади, турмушимиз файзли ва фаровон бўлади.

Қува туманида “Яшил макон” лойиҳаси доирасида ўтказилган тадбирда туман ҳокими бошчилигидаги сектор раҳбарлари, тумандаги корхона ва ташкилот раҳбарлари иштирок этдилар.

Ўтказилган тадбир давомида тумандаги йўл четлари, маҳалла гузарларига манзарали, мевали ва гул кўчатлари экилди.

2022-11-12 17:38:42